Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 26 сентябрь, № 204 (7706) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АМАЛИЙ УЧРАШУВИ

25 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг амалий учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув Қозоғистон томонининг таклифига биноан Туркистон вилоятининг Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудидаги Сариағаш шаҳрида ўтказилди.

Икки мамлакат етакчилари Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиб, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Коронавирус инфекцияси глобал миқёсда тарқалишининг оқибатларини тез фурсатда енгиб ўтиш мақсадида ҳукуматлар даражасида яқиндан мувофиқлашув ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки томонлама савдо ҳажмини ошириш ва товар айирбошлашнинг ўзаро келишилган кўрсаткичларига эришиш учун қулай шароитлар шакллантиришни давом эттириш, қабул қилинган қўшма "Йўл харитаси" доирасида саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларида кооперация бўйича устувор лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш, ҳудудлараро алоқалар ва гуманитар алмашинувларни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, минтақавий шерикликни, жумладан, 2019 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви якунида эришилган келишувлар асосида илгари суриш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Бундан ташқари, МДҲ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

Суҳбат чоғида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари ўртасида яхши қўшничилик ришталари ва ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлашда доимо қатъий эканликларини яна бир бор таъкидладилар.

Учрашув ҳар доимгидек очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчилари:

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА КЕНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи глобал миқёсдаги прагматик ташаббусларга бой бўлгани билан ажралиб турди. Айни пайтда давлатимиз раҳбари маърузасининг муҳим аҳамияти ҳақида кенг жамоатчилик, халқаро экспертлар ўз муносабатларини билдирмоқда.

Қуйида хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчилари муносабати билан танишасиз.

Гусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида дунёдаги ва унинг айрим минтақаларидаги мавжуд вазиятни чуқур таҳлил қилиб, инсоният олдида турган долзарб масалаларни ҳамда уларнинг ечимларини тилга олди.

Чунончи, Марказий Осиё ва глобал миқёсда барқарор ривожланишни таъминлаш, конструктив мулоқотни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тарғиб қилиш, шунингдек, замонавий муаммолар ва таҳдидларга қарши курашиш, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги, камбағалликни камайтиришга оид муҳим ташаббусларни алоҳида қайд этмоқчиман.

Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлиги таъкидланди. Юқорида айтганимдек, Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган таклифларда инсоният олдида турган долзарб муаммоларнинг шошилинч ечимлари ифодасини топган.

Шундан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи жаҳон давлатлари раҳбарлари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиши, шубҳасиз.

Дархан САТИБАЛДИ, Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқини алоҳида қизиқиш билан кузатдим.

Ўзбекистон етакчисининг замонавий дунё қийин шароитларда яшаётгани ҳақидаги сўзларига қўшилишни истардим. Деярли бутун Ер юзини қамраб олган коронавирус пандемияси ҳаётимизнинг барча соҳасига салбий таъсир кўрсатишда давом этмоқда. Кўпгина мамлакатлар дуч келган катта иқтисодий йўқотишлар бизни жиддий фикрлашга ундамоқда. Барчамиз янада ҳамжиҳат бўлишимиз даркор. Фикримча, бундай шароитда мамлакатларнинг ташқи сиёсат ҳамда иқтисодий алоқалардаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш пандемияга қарши курашишда ва бошқа қийинчиликларни енгишда улкан аҳамиятга эга.

Нутқнинг муҳим жиҳатлари қаторида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон эришаётган ютуқларни алоҳида таъкидлашни истардим. Хусусан, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, саломатлик ва ижтимоий фаровонликни таъминлаш, камбағалликка қарши курашиш, пандемия тарқалишининг олдини олиш, экологик ҳамда иқлим муаммолари, давлатлар ўртасида янги ишончли муносабатларни яратиш, хавфсизлик йўналишида ўзаро ҳамкорлик каби жиҳатларни алоҳида қайд этмоқчиман.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Президенти ўз маърузасида жуда муҳим ташаббусларни ҳам илгари сурди. Унинг ёндашувлари нафақат ўз мамлакати ва ўзбек халқи, балки инсоният олдига ҳам юксак мақсадларни қўйди.

Ишонч билан айтмоқчиманки, Қозоғистон томони бундан буён ҳам икки томонлама ва кўп томонлама шаклдаги юксак муносабатларимизни мустаҳкамлаш ҳамда янада ривожлантириш учун саъй-ҳаракатларни давом эттиради.

➡ 2

Дунё нигоҳи

«ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ ТАРИХ, ЯНГИ ЙЎЛ ШАКЛЛАНМОҚДА»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи хориж оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, **Россиянинг энг йирик медиагиганти — "Россия 24" телеканали** мамлакатимиз раҳбарининг нутқини тўғридан-тўғри эфирга узатди. Шу билан бирга, **"Вести" янгиликлар дастурида** Шавкат Мирзиёев нутқининг муҳим жиҳатлари ва БМТ минбаридан илгари сурилган ташаббусларга бағишланган лавҳа намойиш этилди.

Телеканал ижодкорлари Ўзбекистон раҳбарининг Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифига юқори баҳо берди. Марказий Осиёда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳақидаги таклифлар ҳам "ниҳоятда муҳим", дея эътироф этилди. Ва шу ўринда Шавкат Мирзиёевнинг *"Бугун Марказий Осиё давлатлари олдида муҳим стратегик вазифа турибди. У ҳам бўлса, минтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлакларига чуқур интеграциясини таъминлашдир"*, деган сўзлари иқтибос қилиб келтирилади.

Қайд этилганидек, расмий Тошкент БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очишни таклиф қилди. Шу билан бирга, БМТнинг Глобал антитеррор стратегиясини амалга ошириш доирасидаги минтақавий ҳамкорлик натижалари ва истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш таклифи ўртага ташланди.

Москва давлат университети ҳузуридаги "Постсовет маконидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганиш" ахборот-таҳлил маркази "Ўзбекистон нуқтаи назаридан Марказий Осиё интеграцияси: БМТ минбаридан эълон қилинган ташаббуслар" сарлавҳали мақолани жойлаштирди.

Мақола муаллифларининг ёзишича, Марказий Осиё давлатлари учун минтақавий интеграция ва умумий кун тартиби Ўзбекистон Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида кўтарилган энг муҳим мавзулардан бирига айланган.

"Транспорт-коммуникация йўлларини ривожлантиришнинг муҳимлиги туфайли Шавкат Мирзиёев Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш таклифини билдирди. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбарининг фикрича, Марказий Осиёдаги ҳар бир мамлакат учун, шунингдек, бутун минтақа учун афғон масаласининг ҳал этилиши бирдай долзарбдир.

➡ 2

ЮРТИМИЗНИНГ МАВҚЕИ ВА РОЛИ НАФАҚАТ МИНТАҚАДА, БАЛКИ БУТУН ДУНЁДА ОШИБ БОРМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқини катта эътибор ва диққат билан тингладик. Шундай тарихий кунларда яшаб, Ватанимиз солномаларига зарҳал ҳарфлар билан битилажак воқеага гувоҳ бўлаётганимдан кўнглимда фахр ҳамда ифтихор туйғулари жўш урди. Негаки, Юртбошимизнинг бу юксак минбардан сўзлаган нутқини бутун жаҳон аҳли ўзбек тилида тинглади.

Муносабат

Унда илгари сурилган ҳозирги пандемия даврида халқаро ҳамкорликни изчил давом эттириш, ёшлар сиёсати, Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар, глобал иқлим ўзгариши ва Орол муаммоси, жаҳонда қашшоқликка қарши курашиш сингари долзарб масалалар иштирокчилар томонидан катта эътибор ҳамда кўтаринкилик билан қабул қилинди.

Хусусан, Президентимизнинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масаласи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий эътибор марказида бўлиб қолиши зарурлиги тўғрисидаги фикри, айниқса, тарихий аҳамиятга эга бўлди.

"Фақат биргаликда ва яқин ҳамкорлик орқали биз афғон халқининг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин, — деди Президентимиз. — Бу борада "Беқарор ва вайронкор вазиятдан — тинчлик ва бунёдкорлик сари" деган тамойил асосида иш олиб бориш муҳимдир. Шу боисдан **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш лозим.**

➡ 3

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИЛГАРИ СУРГАН ҒОЯЛАР ПАРЛАМЕНТНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги тарихий нутқида кўтарилган халқаро миқёсдаги ташаббуслар ва таклифларнинг моҳиятига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг БМТнинг юбилей тадбирида сўзлаган дастуриламал нутқи халқимиз ҳамда халқаро жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилмоқда ва қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясида Президентимиз 6 та аниқ таклиф билан чиққани, халқаро ҳамжамиятнинг 2 та ташаббусини қўллаб-қувватлагани, БМТ томонидан ўтказиладиган 2 та форум юзасидан муносабат билдирганини депутатлар алоҳида эътироф этдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов давлатимиз раҳбари нутқининг аҳамиятли жиҳатларига тўхталиб, шундай деди: "Ўзбекистон Республикаси Президентининг чуқур таҳлилларга асосланган нутқи ҳозирги кунда долзарб бўлган бир қатор муҳим ташаббусларни ўз ичига олган. Унда янги Ўзбекистонни барпо этиш, демократик ислоҳотларни қатъийлик билан амалга ошириш борасидаги муваффақиятли амалий ишлар натижалари очиб берилди. Кенг халқаро жамоатчилик мамлакатимизнинг жамиятни сиёсий ва ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда иқтисодий жиҳатдан модернизация қилиш, янги Ўзбекистонни қуриш борасидаги самарали тажрибаси билан таништирилди.

➡ 3

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ЎТА ДОЛЗАРБ ВА ЎЗ ВАҚТИДА АЙТИЛДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси юбилей сессиясидаги нутқи халқаро доираларда қизғин муҳокама этилмоқда

Фурузан ҲАЛИЛЁР, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти девони масъул ходими:

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида илк бор Бош Ассамблеянинг 75-йиғилиши онлайн тарзда ўтказилмоқда.

Шу йилнинг 21 сентябрида ўз ишини бошлаган сессия коронавирус пандемияси бутун дунё бўйлаб тарқалаётган, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда мураккабликлар юзага келаётган бир шароитда бўлиб ўтмоқда.

23 сентябрь куни Бош Ассамблея сессиясида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузасини катта қизиқиш билан тингладим. Гарчи олдинги сессияларда Ўзбекистон Президенти рус тилида маъруза қилган бўлса-да, бу йил биринчи бор она тилида, Ўзбекистон Республикасининг расмий давлат тили бўлган ўзбек тилида нутқ сўзлагани барчамизда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз маърузасида мамлакатда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бир қаторда, минтақа ҳамда жаҳон аҳамиятига молик долзарб масалаларга БМТ минбаридан туриб жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди.

Давлат раҳбарининг коронавирус пандемиясига қарши биргаликда курашиш ва бу вирус тарқалишининг олдини олиш, гендер тенглик ҳамда ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш, коррупцияга қарши кураш, диний эркинлик, экологик муаммоларни ечиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, камбағалликни тугатиш борасидаги ташаббуслари ниҳоят долзарблиги билан ажралиб турди.

Шавкат Мирзиёев аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида гапирар экан, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучайиб бораётганини таъкидлади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги аёл депутатлар сони олдингиларга нисбатан икки баробар кўпайганини мен аёл сифатида давлат раҳбарининг хотин-қизларга нисбатан оқилона сиёсати сифатида қабул қилдим.

Айниқса, Ўзбекистон раҳбари ўз маърузасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, мамлакатимиз иқтисодини кўтариш, йирик инфратузилмавий лойиҳаларда иштирок этиш масалаларига асосий эътиборини қаратиб, алоҳида тўхталиб ўтгани менда унутилмас таассурот қолдирди.

➡ 2

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2020 йил 26 сентябрь

ТРАНСПОРТ-КОММУНИКАЦИЯВИЙ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) шафелигида Марказий Осиёда Транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқликни ривожлантириш бўйича минтақавий марказни яратиш тўғрисидаги ташаббус Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатининг мантиқий давомидир.

Нуқтаи назар

Кенг маънода ўзаро боғлиқлик — транспорт, коммуникация, хусусан, рақамлаштириш, энергетика, илм-фан, инновация, туризм соҳаларида ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган лойиҳаларни ҳамда инфратузилма тармоқларини яратиш орқали янада яқин ҳамкорликка эришишдир.

Марказий Осиёда ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш минтақанинг иқтисодий, инновацион ва барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

БМТ шафелигида Марказий Осиёда Транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқликни ривожлантириш бўйича минтақавий марказни яратиш ғояси бутун минтақа учун стратегик аҳамиятга эга бўлган ташаббусдир. Унда Марказий Осиёнинг фақатгина Европа ва Осиёни боғловчи транзит ҳудуд сифатида эмас, балки минтақаларараро савдо-иқтисодий жараёнларнинг кучли субъектига айланиши ҳамда ушбу масала кун тартибини шакллантиришда иштироки кўзда тутилган.

Бугунги кунда мазкур ташаббусни илгари суриш ва амалга ошириш учун қулай халқаро шарт-шароитлар мавжуд.

Биринчидан, сўнгги йилларда иқтисодий, инсон, транзит, ишлаб чиқариш каби улкан ресурсларга эга бўлган Марказий Осиё минтақасига халқаро ҳамжамиятнинг қизиқиши тобора ортиб бораётганининг гувоҳи бўляпмиз.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё мамлакатлари билан олиб бораётган фаол ва жўшқин ташқи сиёсати туфайли барча йўналишда сифат жиҳатидан минтақавий ҳамкорликнинг яхшиланиши замирида содир бўляпти. Натижада Марказий Осиёнинг бошқа минтақа ва суб минтақалар билан сиёсий, савдо, сармоявий ҳамда транспорт-коммуникация алоқалари кенгаймоқда, барқарор ўсишнинг янги истиқболлари очилмоқда.

Иккинчидан, 2019 йилнинг июнь ойида Европа Иттифоқи (ЕИ) Ташқи ишлар бўйича кенгаши томонидан ЕИнинг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: мустаҳкам ҳамкорлик учун янги имкониятлар” тасдиқланди.

Марказий Осиё ЕИнинг 2018 йил 15 октябрда тасдиқланган Европа ва Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича стратегияси (бундан кейин Европа Иттифоқининг ўзаро боғлиқлик стратегияси) ЕИнинг янгиланган Марказий Осиё бўйича стратегияси билан уйғунлашган биринчи минтақага айланди.

Яқин келажакда ЕИ Трансевропа транспорт тармоғини (TEN-T) дастлаб “Шарқий шериклик” мамлакатлари (Озарбайжон, Арманистон, Беларусь Республикаси, Грузия, Молдова ва Украина)нинг транспорт-логистика инфратузилмасига, кейинчалик Марказий Осиё мамлакатлари транспорт тармоқларига боғлаш ниятидадир. Бошқача айтганда, ЕИ минтақамизни қитъаларараро транспорт ва инфратузилма лойиҳаларига жалб этишдан жуда манфаатдор эканлигини изҳор қиляпти.

Марказий Осиё мамлакатларига минтақанинг ўзаро боғлиқлигини оширишда, шунингдек, унинг иқтисодиёти, савдо ва транспортининг глобал тизимга қўшилишида янада фаол кўмак бериш учун ЕИ томонидан вазирлар даражасида барқарор ўзаро боғлиқлик бўйича “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” мулоқотини йўлга қўйишни таклиф этмоқда.

Унинг кун тартибига транспорт-коммуникация алоқалари, инвестиция, савдо, энергетика, рақамли алоқа ҳамда халқ дипломатияси соҳаларидаги минтақаларараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европа Кенгаши раҳбари Шарль Мишель билан 2020 йилнинг 20 апрелида бўлган телефон орқали суҳбати давомида Тошкентда Марказий Осиё минтақасининг ўзаро боғлиқлиги ва барқарор ривожланишини, аввало, савдо, инвестициявий, инновация, транспорт ҳамда энергетика соҳаларида дастур ва лойиҳаларни илгари суриш орқали кучайтиришга қаратилган вазирлар даражасидаги анжуман ўтказиш таклиф қилинган эди.

Таклиф этилаётган вазирлар даражасидаги анжуман Марказий Осиёда Транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқликни ривожлантириш бўйича минтақавий марказни яратиш тўғрисидаги ташаббусни илгари суриш учун яхши платформа бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Учинчидан, Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси амалга оширилишида Марказий Осиё минтақасига энг муҳим ўринлардан бири ажратилмоқда. Биз буни, аслида, қадимги Буюк Ипак йўли даврида минтақамизнинг Шарқни Ғарб билан боғловчи бўғин сифатидаги мавқеининг қайта тикланиши, дея тавсифлашимиз мумкин.

Жумладан, бизнинг мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликда Трансевропа транспорт тармоғини Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси билан боғлаш учун ЕИ ва ХХР ўртасидаги энг барқарор ҳамда самарали транспорт коридорларини аниқлаш бўйича трансчегаравий тадқиқотларнинг муҳим иштирокчиларига айланиши мумкин. Бунда халқаро молия институтлари иштирокида янги йирик транспорт-логистика лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Тўртинчидан, Марказий Осиёда транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқликни ривожлантириш бўйича минтақавий марказ платформаси яна бир стратегик мақсад — Афғонистоннинг Марказий Осиё транспорт тизимига интеграциялашувини амалга оширишга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, бизнинг минтақамизга келгусида савдо ва иқтисодий имкониятларни кенгайтириш орқали бевосита Ҳинд океанига чиқиш имкониятини беради.

“Марказий Осиё — Жанубий Осиё” ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш, нафақат Афғонистоннинг осойишта ривожланиши, балки бутун минтақанинг барқарор тараққиётини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Шундай қилиб, Марказий Осиё давлатларининг Ғарб, Шарқ, Жануб ва Шимолдаги ҳамкорлар билан минтақаларараро муҳокамалари савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-коммуникация, рақамли ҳамда маданий-гуманитар лойиҳалар билан мазмунан тўлдирилиши заруриятини инобатга олиб, БМТ шафелигида Марказий Осиёда Транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқликни ривожлантириш бўйича минтақавий марказни яратиш ташаббусининг айни мавриди эканлигини таъкидлаш мумкин.

Шерзод АСАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари.

«ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ ТАРИХ, ЯНГИ ЙЎЛ ШАКЛЛАНМОҚДА»

1

Республика Афғонистон бўйича тинчлик ташаббусларида иштирок этмоқда. 2018 йил март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича ўтказилган халқаро конференция якунида Халқаро декларация қабул қилиниб, у афғонларараро тинчлик музокаралари учун “Йўл харитаси”га айланди. Ўз нутқида Президент БМТ доирасида Афғонистон бўйича доимий қўмита тузиш ташаббуси билан чиқиб, унинг асосий мақсади мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишдан иборат бўлади”.

Россия ҳукумати расмий нашри “Российская газета”да Москва давлат халқаро муносабатлар институти бош илмий ходими, Олий иқтисодиёт мактаби профессори Андрей Казанцевнинг “Ҳайратда қолдирувчи ислоҳотлар” сарлавҳали мақоласи чоп этилди.

Материалда қайд қилинганидек, “Ўзбекистон Президентининг БМТ минбаридаги нутқи минтақада ва Марказий Евроосиёда, шу жумладан, постсовет давлатларида, республикада шаклланган ва уни буткул ўзгартирган муваффақиятли ислоҳотлар тажрибасини оммалаштиришга имкон берди”.

Таҳлилчининг сўзларига кўра, Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг кўлами ҳамда шиддати кишини ҳайратга солади. Ўтган йили тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2018 йилдагига нисбатан 3,7 баробар ошди, иқтисодий ўсиш суръати 5,6 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми 28 фоиз ортди. Узоқ йиллардан бери илк маротаба Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, “Doing Business” ҳақаро рейтингларидаги мавқеи яхшиланди.

“Умуман олганда, — деб ёзади муаллиф, — Ўзбекистондаги ислоҳотлар фундаментал бозор қонунларига асосланган ҳамда фуқароларнинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган”. Ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари иқтибос сифатида келтирилади: *“Биз биринчи марта камбағалликни камайтириш ҳақидаги қатъий қароримизни очиқ эълон қилдик. Бунга тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилаш ҳамда замонавий инфратузилмани барпо этиш, одамларни янги касб-ҳунарларга ўргатиш ва аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали эришмоқдамиз”.*

Мутахассиснинг фикрича, COVID-19 пандемияси туфайли юзага келган глобал инқироз Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида эришилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суръатларига жиддий таъсир кўрсатмади. “Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси каби нуфузли халқаро молия институтлари Ўзбекистон иқтисодиёти таназзулга йўл қўймаётган саноқли давлатлардан бири эканини қайд этиб, келгуси йилларда сезиларли ўсишни башорат қилмоқда”.

А. Казанцевнинг ёзишича, эпидемия шароитида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва иқтисодий ўсиш стратегиясини амалга оширишнинг муваффақиятли тажрибаси Ўзбекистон раҳбарига Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суришга “тўлиқ маънавий ҳуқуқ” беради.

“Муваффақиятли ислоҳотлар самарали ташқи сиёсатсиз мумкин эмас, — деб ҳисоблайди россиялик эксперт. — Ўзбекистоннинг асосий геосиёсий вазифаси Марказий Осиёда барқарорлик ва самарали халқаро ҳамкорликни таъминлашдан иборат. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тинчликсевар сиёсати самараси ўлароқ бир неча йил ичида минтақадаги вазият тубдан ўзгарди. Қўшни давлатлар ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат муҳити яратилди. Натижада сўнгги тўрт йил ичида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми қарийб беш маротаба ортди. Юзлаб янги қўшма лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳатлашув учрашувлари мунтазамлик касб этиб, ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича янги йўналишларни белгилаб олиш имконини бермоқда”.

la Repubblica

Италиянинг “La Repubblica”сида чоп этилган мақолада айтилишича, Ўзбекистон Президенти БМТ минбаридан туриб халқаро ҳамжамиятни мамлакатдаги ислоҳотларнинг ортга қайтмайдиган тус олганига ишонтира олди. “Халқаро кузатувчилар сўнгги йилларда матбуот эркинлиги ва сиёсий плюрализм соҳаларида ривожланиш бўлаётганини эътироф қилмоқдалар. Президент Шавкат Мирзиёев ўзи раҳбарлик қилаётган мамлакат учун янги тарих, янги йўл шаклланганини қайд этиб, ушбу йўл фуқароларнинг эркинлиги, ҳуқуқлари ва фаровонлигини кафолатлайди”.

Нашрда баён қилинишича, ўтган йили миллий парламентга ўтказилган сайловлар аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтларининг роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири ошганини намойиш этди. “Шавкат Мирзиёев давлат учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланганини қайд қилди. Бу хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучайиб бориши, парламентда аёл депутатлар сони ортишида намоён бўлмоқда”.

Давлатимиз раҳбарининг Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги таклифи алоҳида эътироф этилади.

“Бош Ассамблея йиғилишида қатнашиш доирасида Ўзбекистон Президенти мамлакатнинг янги халқаро ўрни ҳақида ҳам сўз юритди. Жумладан, расмий Тошкент афғонларараро тинчлик музокараларини қўллаб-қувватлаб, уларда фаол қатнашаётир. БМТ минбаридан Афғонистон бўйича доимий фаолият юритувчи қўмитани ташкил этиш ташаббуси ҳам эълон қилинди”, дейилади мақолада.

“BNE Intellinews” ахборот-таҳлил порталида (Германия) жойлаштирилган мақола “Президент Мирзиёев Ўзбекистонда ислоҳотларнинг боришини намойиш этиб, ўзаро манфаатли минтақавий ҳамкорликни янада кучайтиришга чорламоқда”, дея номланган. Унда Ўзбекистон етакчиси нутқининг асосий жиҳатлари ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар таҳлил қилинган.

Қайд этилганидек, Президент лавозимига сайлангач, Шавкат Мирзиёев қисқа муддатда бир пайтлар қурилган “ишончсизлик ва изоляция деворлари”ни бузиб, халқаро шериклар, йирик компаниялар ҳамда инвесторларни жалб қила олди.

Немис нашри Ўзбекистон раҳбарининг “коронавирус пандемияси бутун инсониятнинг заиф жиҳатларини яққол кўрсатиб, ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият Ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртамизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади”, деган фикрларини тўла қўллаб-қувватлайди. Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш ташаббусига юксак баҳо берилади.

“Хорижий кузатувчилар республикада пандемия оқибатларини бартараф қилиш ва ислоҳотларни давом эттириш бўйича олиб борилаётган ишларни эътироф қилмоқдалар. Жумладан, Халқаро валюта фондининг ёзишича, мамлакат COVID-19 билан боғлиқ муаммоларни енгиб ўтишга ўз эътиборини қаратиш билан бир қаторда, ислоҳотлар дастурини ҳам ташлаб қўймади ва фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган жадал, барқарор ҳамда инклюзив иқтисодий ўсишга эришиш бўйича изчил қадам ташлаётир”.

Нашрда, шунингдек, БМТ минбаридан Шавкат Мирзиёев халқаро ҳамжамиятга мамлакатда COVID-19 билан кураш борасида олиб борилаётган ишлар бўйича ахборот тақдим этди. Айниқса, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимлари кескин кучайтирилиши, аҳолига, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда бизнесга манзилли кўмак кўрсатилиши пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатишга имкон бергани таъкидланади.

Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият ҳақида сўз юритар экан, “BNE Intellinews” илгари Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини бузишда, жумладан, пахта териш учун болалар меҳнатидан фойдаланишда айбланганини эслатиб ўтади. Ва таъкидланадики, “Бу соҳада ҳам Мирзиёев вазиятни ўзгартира олди”.

Портал, шунингдек, олиб борилган чора-тадбирлар натижасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат бутунлай ўзгаргани, мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилгани, инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинганини таъкидлайди. Ва шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари иқтибос сифатида келтирилади: *“Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди”.*

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчилари:

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА КЕНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

1

Зураб АБДУШЕЛИШВИЛИ, Грузиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Биз Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқини катта қизиқиш билан томоша қилдик.

Янги Ўзбекистон сиёсатининг меъмори бўлган Президент Мирзиёев дунё ҳамжамиятини пандемиянинг оғир шароитларига қарамай амалга оширилаётган чуқур ва кенг қамровли ислоҳотлар, шунингдек, демократик ўзгаришлар билан таништирди.

Ўзининг конструктивлиги билан ажралиб турадиган нутқда замонамизнинг кўплаб муаммоли масалалари — пандемия даврида давлатларнинг мажбуриятлари, ёшлар ҳуқуқлари, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларнинг ролини ошириш, инсон ҳуқуқлари, иқлим ўзгариши, экологик ва глобал муаммоларни қамраб оладиган бир қатор жуда муҳим ҳамда амалий ташаббуслар таклиф қилинди. Айниқса, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш каби ташаббуслар диққатга сазовор.

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, Ўзбекистон Президенти томонидан таклиф қилинган юқоридаги ташаббуслар мамлакатнинг халқаро майдонда ўсиб бораётган салоҳиятини яққол ифодалайди. Айниқса, Афғонистон муаммосини ҳал қилишда Ўзбекистоннинг фаол ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Афғонистон бўйича 2018 йил март ойида бўлиб ўтган юқори даражадаги Тошкент конференцияси ҳамда Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан амалга оширилаётган инфратузилма лойиҳалари Афғонистонни минтақавий иқтисодий жараёнларга фаол жалб этишга қаратилган бўлиб, кейинчалик мазкур мамлакатда ва бутун минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

Ишонаманки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари ҳамда таклифлари жаҳон ҳамжамиятида кенг қўллаб-қувватланади ва уларни яқин келажакда амалга ошириш учун кейинги қадамлар қўйилади.

Леонид МАРИНИЧ, Беларусь Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқини диққат-эътибор билан тингладим.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Президенти томонидан пандемияга қарши курашиш, камбағалликни йўқотиш, Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликни ривожлантириш, экологик офат оқибатларини бартараф этиш, ёшлар сиёсати бўйича илгари сурилган глобал ташаббуслар Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кенг қўллаб-қувватланади ва дунё ҳамжамияти томонидан амалга оширилади.

Нутқнинг муҳим қисмида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар батафсил шарҳлангани алоҳида эътиборга молик.

Биз Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган барча дипломатик корпус вакиллари мамлакатда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бизнинг кўз ўнгимизда, жаноб Президент таъкидлаганидек, янги Ўзбекистон шаклланмоқда.

Алишер БЕРДИЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ЎТА ДОЛЗАРБ ВА ЎЗ ВАҚТИДА АЙТИЛДИ

1

Шунингдек, бу борада тизимли ишларни амалга ошириш учун БМТ қошида Афғонистон бўйича доимий фаолият юритувчи қўмита тузишни таклиф қилгани таҳсинга сазовор воқеа бўлди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаси ҳар томонлама бой ва кенг қамровли бўлди. Биз Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистон муаммосига ечим топиш бўйича ташаббуслари, мамлакат иқтисодиётини кўтариш ҳамда электр энергияси таъминотида Ўзбекистон ҳукумати томонидан “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш тармоғи ва темир йўл соҳасидаги йирик лойиҳаларни амалга оширишда кўрсатаётган амалий ёрдамини юксак баҳолаймиз.

Таъкидлаш жоизки, БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йилда бўлиб ўтган 72-сессиясида ҳам Ўзбекистон Президенти бир қатор муҳим йўналишлар бўйича ташаббусларни илгари сурган эди. Бу ташаббусларнинг ижроси сифатида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ўтказиб келинмоқда. Биз биродар ва қўшни давлат бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига Афғонистонга турли соҳаларда кўрсатиб келаётган ёрдамлари учун миннатдорлигимизни билдирамиз.

Макс СЕЙ,
«Kingsley Strategic Institute for Asia Pacific» ижрочи директори (Малайзия):

— Мен Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқини катта қизиқиш билан кузатдим.

Ўзбекистон Президентининг ҳаётбахш ташаббуслари ҳануз давом этаётган коронавирус пандемияси инқирози, айниқса, ҳозирги кунда дунё ҳамжамияти дуч келаётган янги-янги таҳдидлар даврида ўта долзарб ҳамда ўз вақтида илгари сурилди.

Айниқса, пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш, шунингдек, COVID-19га қарши зарур дори воситалари ҳамда вакциналари яратилиши ва унинг натижаларидан фойдаланиш учун имкониятларни кенг очиш борасидаги ташаббуслари алоҳида эътиборга лойиқ.

Коронавирус пандемияси кўплаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлди, ижтимоий-иқтисодий соҳа учун жиддий таҳдидга айланди, айни чоғда соғлиқни сақлаш тизимларининг мавжуд салоҳияти ва самарадорлигини глобал даражада кўрсатиб берди. Шу муносабат билан яратилиш арафасидаги вирусга қарши препаратларнинг адолатсиз тақсимланишига умуман йўл қўйиб бўлмайди.

Малайзия ҳукумати ҳам коронавирусга қарши вакцина яратилгач, ундан барча давлатлар ва халқлар фойдалана олиш имкониятига эга бўлишини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Бу борада ҳеч қандай камситиш бўлмаслиги шарт, зотан, COVID-19 ҳеч кимга шафқат қилмаяпти ва унинг қурбонларининг алоҳида чегараси йўқ.

Мавриди келганда алоҳида эътироф этмоқ жоизки, бугун дунёда янги Ўзбекистон пайдо бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати шарофати билан Марказий Осиёда минтақа давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада равнақ топтириш учун янги сиёсий манзара яратилди.

Демак, Ўзбекистон тараққиётнинг тўғри йўлидан бормоқда.

Буни жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасига рақамли иқтисодиёт ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича мамлакат Ҳукуматининг режалари ҳам тасдиқлайди.

Айни пайтда Малайзия ҳам мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни фаол давом эттирмоқда. Глобаллашув шароитида бундай ёндашувлар мамлакатнинг доимий иқтисодий ўсишини таъминлашда ўта муҳим.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон раҳбари томонидан қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашиш масалаларига бағишланган глобал саммитни ўтказиш борасидаги таклифи ғоят долзарб ҳисобланади. Боиси коронавирус пандемияси, истисносиз, дунёнинг ҳар бир давлатида ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда улкан инқирозни келтириб чиқарди.

Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига сайланиши биланоқ Афғонистондаги тинчлик жараёнларига муҳим ҳамда улкан ҳисса қўшиб келаётир. Ўзбекистон астойдил ва ҳеч қандай сиёсий ёки яширин кун тартибисиз Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича кўплаб эътиборга молик ғоялар ташаббускори бўлди.

Бинобарин, давлатингиз раҳбари томонидан БМТ ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган янги форматдаги қўмита ташкил этишга оид таклифи халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланишига умид билдираман.

Павел БЕЙДА,
Польша Сейми (парламент қуйи палатаси) депутати:

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда 700 миллион киши ёки дунё аҳолисининг 10 фоизи ўта қашшоқ аҳволда яшамоқда. Ташкилот томонидан бу борада муҳим ҳаракатлар амалга оширилди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1997 — 2006, 2008 — 2017 ва 2018 — 2020 йиллардаги тегишли резолюциялари билан қашшоқликка барҳам бериш бўйича БМТ ўн йилликлари эълон қилинди.

2016 ҳамда 2018 йилларда БМТ Бош Ассамблеясининг Қашшоқликка барҳам бериш ва атроф-муҳит муҳофазаси йўлида барқарор туризм, хусусан, экотуризмни ривожлантиришга қўмаклашиш резолюцияси қабул қилинди.

Жаҳон ҳамжамияти қашшоқликнинг барча шаклига умумий барҳам беришга келишиб олди. Ушбу масала 2015 йилда қабул қилинган 17 та барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)дан бири, аниқроғи, биринчиси сифатида белгилаб олиниб, ўзаро ҳамкорликда муаммони ҳал этиш бўйича муҳим қадам қўйилди.

Ушбу мақсадга эришиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси музокаралари давомида

қашшоқликка қарши курашиш ва унга барҳам бериш масаласини илгари суриши ҳамда ушбу мавзуга бағишланган глобал саммитни ўтказиш ташаббуси билан чиқиши шундан далолат беради.

Пандемия даврида қашшоқлик масаласи кескин тус олди. Ўйлайманки, Президент Шавкат Мирзиёев ушбу ташаббусни илгари суриб, дунё етакчиларини янги таҳдидлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, БМТ ҳамда унга аъзо давлатларнинг бу борадаги устувор вазифалари ва мақсадларини қайта кўриб чиқиш ҳамда тўлдиришга ундамоқда.

Бинобарин, Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг илк кунлариданоқ аҳоли фаровонлиги даражасини оширишни ўз сиёсатининг асосий мақсади этиб белгилади. Ўзбекистон лидери инсон ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий жабҳаларини комплекс уйғунликда ривожлантирмасдан қашшоқликни бартараф этиб бўлмаслигини яхши тушунади. Бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ушбу соҳаларни қамраб олганини кўряпмиз.

Сўнгги йилларда қашшоқликка қарши курашиш давлат иқтисодий сиёсатига самарали татбиқ қилинмоқда ва миллий мақсад деб қаралмоқда. Бу Ўзбекистонни ривожлантиришнинг стратегик дастурлари ҳамда режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳисобга олинаётир.

Ўзбекистон раҳбари, шунингдек, қашшоқликка барҳам бериш учун унинг қўламини аниқлаш зарурлигини, бунинг учун, аввало, қашшоқлик даражаси тўғрисида мутлақо янги маълумотлар, бу борадаги мақсадли статистика кераклиги ҳақида ҳам яхши билади. Биз Ўзбекистонда бу борадаги амалий ишларни ҳам кўряпмиз. Камбағалликни қисқартириш бўйича алоҳида вазирлик ташкил этилгани бунинг далилидир.

«Халқ сўзи».

ЮРТИМИЗНИНГ МАВҚЕИ ВА РОЛИ НАФАҚАТ МИНТАҚАДА, БАЛКИ БУТУН ДУНЁДА ОШИБ БОРМОҚДА

1 Ушбу қўмитанинг асосий вазифаси Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак беришдан иборат бўлиши зарур".

Бу муҳим таклиф, албатта, халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланади. Зеро, ўзаро ҳамкорлик, дўстлик ва биродарлик мамлакатлар равнақининг асосий мезонидир.

Нутқ билан танишар эканман, 2017 йил сентябрда давлатимиз раҳбари Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳам қатор муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сургани, уларнинг барчаси бугунги кунда амалиётга татбиқ этилаётгани тўғрисида ўйладим. Ўшанда Президентимиз Орол денгизи харитаси билан бутун дунё аҳлини таништирганди. Орол муаммоси БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ҳам яна қайта тилга олингани бежиз эмас.

Гап шундаки, ўтган даврда давлатимиз ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Лекин бу йўналишда қилиниши зарур бўлган вазифалар ҳали кўп. Шундан келиб чиқиб, Юртбошимиз Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни ҳамда ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш куни сифатида нишонлашни таклиф этди.

Ушбу долзарб таклиф ва тавсиялар, албатта, ўз самарасини беришига ишонамиз. Зеро, юқорида тилга олинган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ўртага ташланган таклифлар ҳамда белгиланган вазифалар бугунги кунда ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётганлигини барчамиз кўриб турибмиз.

Айниқса, Орол денгизининг сувдан бўшаган 5,5 миллион гектардан зиёд майдонини "Саҳро марвариди"га айлантириш учун олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар диққатга сазовордир. Устюрт кенгликлари, Оролқум ўрнида барпо этилаётган ўрмонзорларга жайрон ва бошқа ноёб жониворлар қайтгани, Учсой, Судочье ҳамда бошқа кўлларда узоқ ўлкалардан қайтиб келган чағалай ва бошқа қушлар муқим ўрнашгани ҳудудда экологик вазият изга тушаётганидан далолат беради. Мўйноқ тумани эса янгидан туғилди. Янгиланган кўча, уй, иншоотлар, кенг ҳамда равон кўчалар, келажакда бу маконнинг янада гуллаб-яшнашидан далолат.

Аҳолининг муносиб турмуш шароитини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган сув таъминоти ва канализация объектлари, ижтимоий соҳа, маданият ҳамда спорт иншоотлари барпо қилинди. Йўлтранспорт объектлари ва сервис хизматлари замон талаблари даражасида ишламоқда.

Геология-қидирув ишлари, аҳоли ижтимоий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, ижтимоий хизмат кўрсатиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа соҳалардаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар етиштириш масалалари ҳам изчиллик билан ҳал қилинмоқда.

Бу хусусда кўп ва хўп гапириш мумкин. Энг асосийси, давлатимиз раҳбари ўз нутқи билан Орол инқирози оқибатларини тўлиқ бартараф этишга яна бир бор дунё ҳамжамияти эътиборини қаратдики, бу яқин келажакда самара бериши аниқ.

Албатта, давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан глобал аҳамиятга эга яна бир қатор таклиф ҳамда ташаббусларни илгари сурдики, улар ҳам тезда амалга ошишига ишонамиз. Зеро, Ўзбекистоннинг бугунги кундаги мавқеи ва роли нафақат минтақада, балки бутун дунёда ошиб бормоқда ҳамда тобора глобал масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда.

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МУВАФФАҚИЯТ САМАРАЛИ БОШҚАРУВГА БОҒЛИҚ

Ҳар қандай жамоада у хоҳ ишлаб чиқариш, хоҳ хизмат кўрсатиш бўлсин бошқарув тизими яхши йўлга қўйилсагина муваффақиятга эришилади. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги қарори асосида уларда KPI (самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари) тизими жорий этилаётгани диққатга сазовор.

Семинар

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан эса жорий йилдан бошлаб йирик корхоналар самарадорлигини баҳолаш ва унинг натижаларини расмий веб-сайтда эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат иштирокидаги 1607 та корхонада ҳукуматнинг ушбу тизими татбиқ қилинган. Агентлик томонидан мазкур корхоналар ижро органининг KPI тизими таҳлил этилганда, 2019 йил якунлари бўйича 1607 та давлат иштирокидаги корхонанинг 730 таси юқори, 154 таси етарли, 270 таси етарли эмас, 191 таси ўрта, 89 таси паст ва 173 таси қониқарсиз даражада эканлиги аниқланди.

Самарадорлиги икки чорак мобайнида кетма-кет "паст" ёки "қониқарсиз" даражада бўлган давлат иштирокидаги 155 та корхонанинг кузатув кенгаши ва муассисига нисбатан қонунчилик талабларига асосан, корхоналарнинг ижро орган раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқилди.

Корхонанинг самарадорлик даражасини ошириш учун фақатгина ижроия органининг KPI тизимини белгилаш эмас, балки корхонада меҳнат қилаётган барча ходимлар учун буни қўллаш мақсадида республикамизда самарали фаолият юритиб келаётган корхоналар амалиётини ўрганишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ушбу мақсадда Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан "УзАвто Моторс Пауэртрейн" АЖда ходимлар меҳнати фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими, унинг хусусиятлари ва таъсири" мавзуида семинар уюштирилди. Унда мамлакатимиздаги "Ўзбекнефтгаз" АЖ, "Ўзкимёсаноат" АЖ, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Йўлқурилиш" АЖ, "Тошкентвино комбинати" АЖ каби 15 та йирик корхона раҳбарлари ва ходимлари қатнашди.

2008 йилда ташкил этилган, автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхонада бугунги кунда АҚШ, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Венгрия каби давлатларда малака ошириб келган минг нафардан ортиқ маҳаллий мутахассис ҳамда техник ходимлар меҳнат қилади.

Корхонада ҳар бир ходим учун KPI тизими электрон тарзда қўлланилиб, кўрсаткичларнинг бажарилиш даражасига қараб ходимлар қўшимча рағбатлантирилади. Бу эса, ўз навбатида, корхонада қатъий тартиб-интизомни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва сифатининг ошишини, энг асосийси, ишчи-ходимларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишини таъминлайди. Зеро, KPI тизими, яъни самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини жорий этиш — корхонанинг стратегик мақсадларига эришишда ёрдам берувчи муҳим ва замонавий воситадир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муаммо ва камчиликлар:

УЛАР ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

Айни пайтда аҳоли билан мулоқотлар, жойлардаги ўрганишлар, тармоққа оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қатор тизимли муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Парламент назорати

Хусусан, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган ўрганишлар давомида, биринчидан, автомобиль йўлларида йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан таъсирчан назорат тўлиқ ва самарали ўрнатилмаганлиги аниқланди.

2019 йилда мамлакат бўйича жами 6 миллиондан зиёд йўл ҳаракати қоидабузарликлари аниқланган. Жумладан, 3 миллионга яқин кўпол қоидабузарликлар, 35 мингга яқин транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, 350 мингдан ортиқ пиёдалар қоидабузарликлари қайд этилган. Оқибатда 8 мингдан зиёд йўл-транспорт ҳодисалари содир қилиниб, уларда 2096 нафар фуқаро ҳалок бўлган, минглаб юртдошларимиз жароҳатланган.

2020 йилнинг биринчи чорагида эса ҳалок бўлганлар сони тўрт юз нафарга яқин ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бу мудҳиш кўрсаткич 4,7 фоиз ортган. Ана шундай шароитда 2019 йилдаги қоидабузарликларнинг бор-йўғи 1,2 миллиони компьютерлаштирилган бошқарув тизими орқали аниқланган.

Ваҳоланки, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш, қоидабузарликларни камайтиришнинг энг мақбул ва самарали усулларидан бири йўлларда фото ҳамда видеотехник воситаларни кўпайтиришдир.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз чорраҳаларидаги фото ва видеомосламаларнинг қарийб 71 фоизи 2017 йилда ўрнатилган. Яъни бу борадаги ишлар фоторадарларни ўрнатишни ҳисобга олмаганда, кейинги йилларда деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида Автомобиль йўллари қўмитасига йўл ҳаракати соҳасида стандартлаштириш бўйича янгиланган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш вазифаси юклатилган бўлса-да, унинг ижроси шу кунга қадар таъминланмаган. Светофор билан тартибга солиш, йўлдаги тўсиқлар, йўл устига чизиқлар тортиш ва йўл белгиларини қўллашга доир ҳозирги кунда фойдаланилаётган стандартлар ўтган асрнинг 70 — 80-йилларида ишлаб чиқилган.

Бу борадаги янада аниқ вазифалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июлдаги "Автомобиль йўллари инфратузилмасини янада ривожлантириш ва йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган дастурда батафсил баён этилган.

Мамлакат автомобиль йўлларида эса 150 мингга яқин йўл белгилари етишмайди ва мавжуд белгиларнинг 70 мингдан ортиғи яроқсиз ҳолга келган.

Бундан ташқари, бугунги кунда умумтаълим мактабларида ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Бу борадаги машғулотлар мактаб дастурларидан қисман олиб ташланган.

Олдинги йилларда 1 — 8-синф ўқувчиларига йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш учун ҳар йили 17 соат ажратилар эди. Бу махсус фан бўлмагани учун машғулотларни ҳайдовчилик гувоҳномасига эга ўқитувчилар олиб борган ва уларга қўшимча ҳақ тўланган.

Бироқ ҳозир ушбу соатлар сони қисқартирилиб, фақат 1-синфда йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш учун 17 соат сақланиб қолган, 2 — 8-синфларда эса йилига бор-йўғи 8 соатдан дарс ажратилган. Мазкур соатларда ҳам машғулотлар алоҳида ўтказилмасдан, мутахассис бўлмаган синф раҳбарлари томонидан ўтиладиган тарбиявий соатлар ичига киритилган.

Умумтаълим мактабларида йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги асосларини ўргатиш учун ўқув режа, дастурлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар мавжуд эмас.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида Вазирлар Маҳкамасига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан парламент сўрови юборилган эди.

Шу кунларда Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасига келган жавобда парламент сўровидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган комплекс чора-тадбирлар дастури" ишлаб чиқилганлиги маълум қилинган. Унда "Ҳаётий фаолият хавфсизлиги" мажбурий фанини жорий этиш, тегишли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш белгиланди. Бу масала бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини 1 октябргача ишлаб чиқиш режалаштирилган. Шунингдек, 2021 йил январь ойидан ўқитувчилар малакасини ошириш дастурига йўл ҳаракати қоидаларининг киритилиши кўзда тутилган.

Парламент сўровида кўтарилган яна бир долзарб муаммо — Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"ни ҳам такомиллаштириш зарурати эди. Жумладан, мазкур қоидалардаги баъзи бандларнинг ўрни алмаштириб юборилгани оқибатида тегишли бандлардаги ҳаволалар мутлақо бошқа бандларга таллуқли бўлиб қолаётгани қайд этилганди. Бундан ташқари, қоидаларнинг ўзбек ва рус тилларидаги матнларида ҳам катта тафовутлар мавжуд. Бу масала бўйича юқоридаги дастурда 2021 йилнинг 1 январига қадар "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг янги таҳririни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Шунингдек, парламент сўровида ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун билимларни баҳолашда тест саволлари имтиҳон билетларидаги йўл ҳаракати қоидаларига зид ёки маъно нуқтаи назаридан ёки техник эскирганлиги масаласи кўтарилганди. Бунга жавобан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли чора-тадбирлар дастурида 2021 йилнинг 1 июнига қадар тест саволларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Йўқотилган (ўғриланган, ёнғин, табиий офат оқибатида ва бошқа ҳолларда) миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси дубликатини олишнинг амалдаги тартиби ўта мураккаб, коррупцияга очиқдан-очиқ йўл очувчи талаблар, бюрократик тўсиқлардан иборат эканлиги — парламент сўровида кўтарилган яна бир долзарб масалалардан бири эди. Бу масала юзасидан юқоридаги дастурда 1 ноябрга қадар гувоҳномасини йўқотган ҳайдовчилар аризасини қабул қилиш ва ички тизим орқали маъмурий амалиёт бўлимидан зарур маълумотларни электрон олиш дастурини жорий этиш назарда тутилмоқда. Бунда Ички ишлар вазирлигининг ягона автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими маъмурий амалиёт тизими билан интеграция қилинади.

Ҳукумат томонидан тақдим этилган чора-тадбирлар дастури ҳам сенаторларимиз томонидан атрофлича ўрганилиб, унинг ижроси тегишли тартибда назоратга олинади.

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

АЁЛГА ЭҲТИРОМНИНГ ЎЗБЕКОНА НАМОЙИШИ

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида бугунги кунда бутун дунё мамлакатлари учун тааллуқли долзарб ташаббусларни илгари сурганлиги нафақат юртимизда, балки халқаро даражадаги экспертлар томонидан ҳам қизғин эътироф этиляпти.

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан гендер тенглик ва хотин-қизларга эътибор масаласига алоҳида урғу берилгани мамлакатимизда кейинги тўрт йилда бу борада олиб борилаётган ишларни дунё аҳлига намойиш этди, десак, муболаға бўлмайди.

Яхши биламиз, юртимизда аёлларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва таъсирини ошириш охирги тўрт йилда барча давлат дастурларининг устувор йўналишлари сифатида белгиланмоқда. Бу борада Ўзбекистон ҳамда БМТнинг мақсадлари ҳам муштарак. Яъни гендер тенглик, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларининг доимо ажралмас ва энг асосий тамойилларидан биридир.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ҳам "Қаердаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодиёт ўсмоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда", дея бежиз таъкидлагани йўқ.

Президентимизнинг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонида ҳам хотин-қизларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни олий таълимга янада кўпроқ қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилганини айтиб ўтиш жоиз.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари нуфузли минбардан туриб бутун дунё ҳамжамиятига қарата хотин-қизларга эътибор ҳамма вақт барча саъй-ҳаракатимиз марказида бўлишини, ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши кераклигини таъкидлади.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИЛГАРИ СУРГАН ҒОЯЛАР ПАРЛАМЕНТНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРАДИ

1 Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистонда ўтган йили ўтказилган парламент сайловлари аҳолининг ва партияларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг сиёсий фаоллиги ўсиб бораётганлигини намойиш этганлигини таъкидлаб, БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Бу, ҳеч шубҳасиз, парламентнинг жамият ҳаётидаги ролини сифат жиҳатидан оширишга, жамият олдида турган муҳим муаммоларни ечишда парламентнинг иштирок этишига доир янги механизмларни ишга солишга, демократия ривожини янги даражага олиб чиқишни таъминлашга хизмат қилади".

Депутатлар давлатимиз раҳбари томонидан кўтарилган яна бир муҳим масала — жаҳон миқёсида барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ҳамда фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни яратиш зарурлигига эътибор қаратди.

Шу муносабат билан чуқур илмий асосларга таянган, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўзига хос хусусиятларини кенг равишда инобатга олган ҳолда, Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодекс лойиҳасини тайёрлашга киришиш лозимлиги таъкидланди.

Сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ушбу чуқур мазмун ва моҳиятга эга нуткда халқаро ҳамда минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан илгари сурилган таклифлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашди. Хусусан, тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиёт, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, самарали ҳамда фаол мулоқотни кенгайтириш, шунингдек, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги, қашшоқликка барҳам бериш ҳамда камбағалликни қисқартириш каби ўртага ташланган масалалар бугун инсониятни ўйлантираётгани ҳақида қизғин фикр алмашилди.

Мажлисда мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган барча ҳаётий ташаббуслар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда тинчлик ва осойишталик, барқарорликни кафолатлашга, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга хизмат қилиши қайд этилган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси олдида ҳам муҳим вазифалар тургани айтиб ўтилди.

Ушбу вазифаларни амалга оширишга қаратилган Қонунчилик палатасининг ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш бўйича сиёсий партиялар фракциялари вакилларидан иборат ишчи гуруҳини тузишга келишиб олинди.

Сўз — депутатларга

Улуғбек ВАФОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазиятни енгиш учун БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш тўғрисидаги давлатимиз раҳбарининг таклифи ҳеч кимни бефарқ қолдирмади, деб ўйлайман. Юртбошимиз томонидан таклиф этилаётган халқаро кодекснинг қабул қилиниши ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни яратиш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Дарҳақиқат, инсоният глобал фалокат ёқасида турган вақтда Ер юзидаги давлатлар парламентлари, ҳукуматлари, фуқаролик жамиятларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, халқаро шерикликни ривожлантириш ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлатимиз раҳбарининг БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш таклифи бугунги куннинг ғоят долзарб масаласидир.

Чунки бу борадаги алоқалар янги босқичга кўтарилса, минтақамиздаги мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ҳамда ҳурмат муҳити янада яхшиланади. Энг асосийси, Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми ошади.

Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлатимиз раҳбари ўз нутқида қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни БМТ Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишни таклиф қилди.

Чиндан ҳам, бугунги кескин глобаллашув ҳамда рақобат жараёнида қашшоқлик ва камбағаллик масаласи биринчи ўринга чиқмоқда. Бу муаммолар, айниқса, пандемия даврида кескин кўриниш олди. Уларни ҳар бир мамлакат якка ҳолда эмас, биргаликда ҳал этиши энг тўғри йўлдир. Қолаверса, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг тадбиркорлик қобилиятини рўёбга чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, бу борада ўзаро тажриба алмашиш ҳам яхши самара беради.

Абдулла РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимизнинг юксак минбардан туриб парламентлар, ҳукуматлар ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни мувофиқ ҳолда ривожлантириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ва салоҳиятини ошириш ҳамда ваколатларини кенгайтириш тўғрисидаги фикрлари барчани чуқур мулоҳаза қилишга ундайди.

Бинобарин, мамлакат ва давлат олдидаги бош мақсад ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратиш экан, бу йўлда собитлик, содиқлик, фидойилик талаб қилиниши бор гап. Эътиборлиси, Юртбошимиз илгари сурган ташаббуслар халқимиз ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Жамшид ҚОСИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев нутқида илгари сурилган ташаббусларни бирма-бир таҳлил қилсак, унинг марказида инсон ва унинг ҳуқуқлари турганлигини кўрамиз.

Албатта, бу мамлакатимизда сўнгги йилларда ушбу йўналишда амалга оширилган ислоҳотлар, яъни судлар мустақиллигининг таъминланаётгани, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилгани, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига чек қўйилгани, аҳоли ҳамда сиёсий партиялар фаоллиги ошганидан далолатдир.

Гулруҳ АГЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугунги кунда жамият ҳаётининг барча соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар Ўзбекистон тараққиётида янги Ренессанс, яъни уйғониш босқичини бошлаб берди, деб айтсак муболаға бўлмайди. Ана шу жараёнларнинг таркибий қисми сифатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида янги босқичга, инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўшлиқларни, камчиликларни бартараф этиш босқичига ўтилди.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари билан кенг кўламли ва ўзаро манфаатли шерикликни, БМТ ҳамда унинг институтлари билан амалий мулоқотни ривожлантириш учун доимо тайёрлиги маълум қилинди. Ва ушбу тарихий нутқнинг яна бир катта аҳамияти, Ватанимиз тарихида илк бор ўзбек тили БМТ минбарида жаранглади. Бу ҳар биримиз учун улкан фахр, катта ифтихордир.

«Халқ сўзи».

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Кейинги йилларда мамлакатимизда илм-фан ривожига қаратилаётган эътибор ўз самарасини беряпти. Бу борада 2017 — 2019 йиллар мобайнида қабул қилинган битта Қонун, Президентимизнинг 27 та Фармон ва қарорлари, Ҳукуматнинг 40 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўрганиш ва таҳлилларга кўра, Инновацион ривожланиш стратегиясида 2021 йилгача илм-фанга ажратиладиган маблағлар ялпи ички маҳсулотнинг 0,8 фоизигача оширилиши белгиланган. Бу эса давлат сиёсатида таълимни ривожлантириш бундан кейин ҳам устувор бўлиб қолишидан далолат беради.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлган Жиззах вилоятида илм-фан юксак босқичга кўтарилмоқда. Шу ўринда мана бу рақамларга эътибор қаратсак: 2020 — 2022 йилларда Инвестиция дастурига мувофиқ, 17 та таълим муассасасида 38 миллиард 866,4 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Инқирозга қарши курашиш дастурига кўра, 6 та умумтаълим мактабига янги қиёфа бағишлаш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар яқин йилларда ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Аниқ айтадиган бўлсак, 2020 — 2023 йилларда вилоятда математика фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган 13 та давлат умумтаълим мактабини ташкил этиш белгиланган. Жорий йилнинг ўзида уларнинг 4 таси ишга туширилади.

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб, вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 120 таси FTTx, 390 таси CDMA-450 орқали интернет тармоғига уланган. Йил якунигача қолган мактабларда ҳам интернет тармоғини ишга тушириш чоралари кўрилаётир. Таълим муассасаларида “Истеъдодларни излаймиз”, “Бир миллион ўзбек дастурчилари”, “Лидерликка илк қадам” лойиҳалари ҳамда платформалари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Олий ва ўрта таълим соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган мақсад етук кадрларни тайёрлашга қаратилган. Ўтган йили Вазирлар Маҳкамаси қарори билан вилоятда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали иш бошлаганди. Янги ўқув йилидан эътиборан бу ерда қатор ихтисосликлар бўйича таянч докторантура очилди.

Вилоятдаги олий таълим муассасаларида хорижданги ҳамкорлар билан тузилган шартнома, битим ҳамда меморандумлар асосида қўшма ўқув дастурлари йўлга қўйилганлигини ҳам айтиш ўринлидир. Хусусан, Жиззах давлат педагогика институтида Беларусь Республикасининг Баранович давлат университети билан ишлаб чиқилган қўшма дастур доирасида мактабгача таълим ва педагогика-психология йўналишлари бўйича 50 нафар талаба таҳсил олмоқда. Беларусь давлат педагогика университети билан ҳамкорликдаги “3+1” қўшма таълим дастури ҳақида ҳам шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин.

Юртимизда илк бор ўтказилган “Янги иқтисодиёт учун янги кадрлар” мавзуидаги Ўзбекистон — Россия таълим форуми икки давлатнинг олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди. Бу форум доирасида Жиззах политехника институтида Москва давлат қурилиш миллий тадқиқот, Иваново давлат кимё-технология университетлари билан ҳамкорликда қатор қўшма факультетлар ташкил этилди. 2020/2021 ўқув йилида Жиззах политехника институтида яна 2 та хорижий олий таълим муассасаси — Қозон Федерал ва Дон давлат техника университетлари билан ҳамкорликда қўшма факультетлар очилиши кўзда тутилмоқда.

Таълим ислоҳотлари ҳақида гап кетганда, Президентимизнинг ўтган йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур. Шу Фармонга асосан, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда халқаро андозалар билан уйғунлашган бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими муассасалари ташкил этилди.

Биз, сенаторлар ҳам таълим ислоҳотларининг муваффақиятли амалга оширилишига масъулмиз. Лекин жойлардаги кузатувлар, сенатор сўровлари, сайловчилар мурожаатларидан шу нарса маълум бўляптики, ҳали таълим тизимида ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Масалан, вилоят мактабгача таълим бошқармасига юборилган сўровда Зомин туманининг Чапарашли ва Қултепа, Янгиобод туманидаги Баландчақир қишлоқларида мактабгача таълим муассасаси йўқлиги маълум қилинган эди. Ҳар учала қишлоқдаги МТМ қурилиши 2021 йил Инвестиция дастурига киритиладиган бўлди.

Мукаммал таъмирга муҳтож ва спорт заллари йўқ, иситиш қозонхонаси яроқсиз ҳолатга келиб қолган, интернет тармоғига уланмаган, ичимлик суви билан таъминланмаган мактаблар борлиги ҳали оғриқли нуқталаримиздан. Бу муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, таълим-тарбияда кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Табиийки, йиллар давомида йиғилган мазкур муаммолар ечимини топиш ва уларни ҳал этиш муайян вақтни талаб қилади.

Умуман, таълим-тарбия йўналишида улкан ислоҳотлар олиб бориляпти. Яхши натижаларимиз бор. Юқорида айтиб ўтилганидек, муаммолар ҳам йўқ эмас. Шундай экан, бу борада биз, сенаторлар ҳам намуна кўрсатиб, соҳадаги ислоҳотларга камарбаста бўлишимиз жоиз. Зеро, “Таълимга эътибор — келажакка эътибор”, деб бежиз айтилмаган.

Нусуратулла ПАРДАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Иқтидор

БИЛИМИ ЗЎР МИНГНИ ЙИҚАР

Илм олишга бўлган интилиш ҳамиша инсонни эзгу мақсадлар сари бошлаган ва ҳаётда ўз ўрнини топишда маёқ бўлган.

Пешку туманидаги 18-умумтаълим мактабини тугатган Жаҳонгир Норбоевнинг бунга ишончи комил.

У 5-синфда ўқиб юрган кезларида илк бор математика фани йўналишида “Билимлар беллашуви”да қатнашди. Зукколар баҳсининг туман ва вилоят босқичида ғолиб чиқди. Орадан икки йил ўтиб, шу беллашувнинг республика босқичида фахрли 2-ўринни эгаллади. Натижада халқаро миқёсдаги фан олимпиадаларида қатнашиш учун эшиклар очилди.

— Таиландда бўлиб ўтган халқаро математика мусобақасида гарчи, жамоавий баҳсларда 2-ўринни эгаллаган бўлсакда, ўзимнинг иштирокимдан кўнглим тўлмади, — дея эслайди қаҳрамонимиз. — Бир оз ҳаяжон босди. Аммо бу баҳслар ўзимга бўлган ишончни мустаҳкамлади. Янада кўпроқ ўқишим, изланишим зарурлигини ҳис этдим.

Ютуқлар эса ўзини узоқ куттирмади.

Жаҳонгир 2018 йилда Болгарияда бўлиб ўтган халқаро мусобақада кумуш медални қўлга киритди. 2019 йилда Ломоносов номидаги халқаро фан олимпиадасида ҳам худди шундай натижани қайд этди. Италиянинг Пиза университети ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган Бухоро очиқ фан олимпиадасида 3-ўрин соҳиби бўлди. Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида ўтказилган халқаро математика олимпиадасидан кумуш медаль билан қайтди.

Жаҳонгир учун жаҳоннинг манаман деган билимли, зеҳни ўткир ёшлари билан тенгма-тенг баҳслашиш, Ватанга ёруғ юз билан қайтиш анъанага айланди.

“Билими зўр мингни йиқар”, деганича бор. Ёш юртдошимиз ўз иқтидори билан ҳали мактаб партасида туриб, дунёнинг бир қатор нуфузли олий ўқув юртларида имтиёзли тарзда таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Масалан, Москва физика-техника институтида ташкил этилган нуфузли мусобақада 1-ўринни эгаллаб, мазкур олий ўқув юртида ўқиш учун йўлланмали бўлди. Шунга қарамай, Жаҳонгир ўзимизда — Миллий университетда таҳсил олишни маъқул топди.

— Юртимизда биз ёшларнинг чуқур билим олишимиз, истеъдодимизни юзага чиқаришимиз учун барча қулайлик яратилган. Мен шу имкониятлардан тўғри фойдаланишга интиляпман, холос, — дейди у камтарлик билан. — Биласизми, яқинда бир хабарни эшитиб, жуда қувондим. Президентимиз қарорига мувофиқ, ҳар бир шаҳар ва туманда математикага ихтисослаштирилган биттадан мактаб ташкил этилмоқда. Бу менга ўхшаган юзлаб ёшлар орзу-ҳавасларининг ушалишига замин яратади.

Айтишларича, маҳалладошлари Жаҳонгирга “Отасининг боласи” дея таъриф беришаркан. Бу бежиз эмас. Гап шундаки, Жаҳонгирнинг отаси Жўрабек Муродов — математика фани ўқитувчиси. Ўғил шу заҳматкаш муаллимга эргашиб, ундан фан сирларини ўрганиб кам бўлаётгани йўқ.

Дарвоқе, ёш замондошимизнинг билим ва иқтидори, фаоллиги, Ватанимиз истиқболи учун кўрсатаётган фидойилиги элюрт эътиборида. Яқинда бир гуруҳ ёшлар қаторида у Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОНЛАР

САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

2021 йил учун олий таълимдан кейинги институтга қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD)
(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

1. 06.01.05 — Селекция ва уруғчилик;
2. 06.01.06 — Сабзавотчилик.

Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси ёки олий маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
— илмий раҳбарнинг ёзма розилиги;
— паспорт нусхаси;
— 3х4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

ДОКТОРАНТУРА (DSc)
(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

1. 06.01.06 — Сабзавотчилик.

Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича илмий маруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
— паспорт нусхаси;
— 3х4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК
(ишлаб чиқаришдан ажралганмаган ҳолда ўқиш учун)

06.01.05 — Селекция ва уруғчилик;
06.01.06 — Сабзавотчилик.

Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома;
— фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик тўғрисидаги диплом нусхаси;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;
— фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
— иш жойидан тавсифнома;
— паспорт нусхаси;
— 3х4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

*Ҳужжатлар **2020 йилнинг 15 октябригача** қабул қилинади.*
*Талабгорлар **http://phd.mininnivation.uz** тизимидан рўйхатдан ўтишлари лозим.*
*Кириш имтиҳонлари **2020 йилнинг 1 — 25 ноябрь** кунлари бўлиб ўтади.*

Қўшимча маълумотлар учун телефон рақами: 71-226-85-03.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)га қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2021 йил учун ўқишга қабул эълон қилади:

Докторантлар — фалсафа доктори (PhD)
05.09.07 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси;
06.01.02 — Мелиорация ва суғорма деҳқончилик.

Докторантлар — фан доктори (DSc)
05.09.07 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси;
06.01.02 — Мелиорация ва суғорма деҳқончилик.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
100187, Тошкент шаҳри, Қарасув-4, 11-уй.
Тел.: 99-434-43-28, 90-999-58-72. E-mail: ismiti@minwater.uz

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти

докторантура ва таянч докторантурага 2021 йил учун қабул эълон қилади.

№	Ихтисослиги	Шифр рақами	PhD	DSc	сони
	06.00.00 — Қишлоқ хўжалик фанлари				
1	Мевачилик ва узумчилик	06.01.07	3	1	4
2	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	06.01.11	1	—	1
3	Ўсимликларни ҳимоя қилиш	06.01.09	1	—	1
	Жами:		**5**	**1**	**6**

Докторантура ва таянч докторантурага талабгорлардан қуйидаги ҳужжатлар жорий йилнинг 15 октябрига қадар қабул қилинади:
— институт директори номига ариза;
— паспорт нусхаси;
— қисқача биографик маълумотнома (ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржимаи ҳол);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасасининг магистратураси дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

Талабгорлар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширади:
— мутахассислик;
— чет тили (инглиз ёки немис).

Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг **1 — 25 ноябрига қадар** бўлиб ўтади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, «Гулистон» ҚФЙ, Чимкент йўли кўчаси, академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти.
Телефон: 71-220-24-42. Факс: 71-220-26-48, e-mail: buviti@mail.uz
Қўшимча маълумотлар учун илмий котиб — З. Умаров, телефон: 97-765-23-82, кичик илмий ходим — М. Исроилов, телефон: 99-839-60-92.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси университетнинг собиқ доценти **Ортиқхўжа АБДУВАҲОБОВ**нинг вафоти муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 31 558 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6